


# PSIXOLOGIYA


ISSN 2181-5291



ILMIY JURNAL (11) 3-son 2013-yil


Olam psixolog nigohidai \* Мир глазами психолога



*Yurtimiz manzaralari. Qoraqalpog'iston.**Ijtimoiy psixologiya*

V. Karimova, N. Noqulova. Yoshlar ijtimoiy xulqida affiliatsiya motivatsiyasining o'rni.....

1

*Pedagogik psixologiya*

M. Soipova. Kasbiy tajriba pedagogik faoliyatda manipulyativ muloqot xususiyatlarini belgilovchi omil sifatida.....

10

A. Abdulayeva. OTMdA ta'labalarning kredit texnologiyalari asosida ta'limga moslashuvi.....

15

F. Bobojonova, Sh. Bobojonov. Talabalik davrining psixologik xususiyatlari.....

22

O. Otajonova. Talabalar mustaqil fikrlashlarining psixologik omillari

27

*Shaxs psixologiyasi*

V. Kozlov. Musiqaning ta'sir etuvchi psixologik mexanizmlari.....

31

*Psixologiyaning metodologik muammolari*

V. Mazilov. Zamonaliv psixologiyaning dolzarb metodologik muammolari.....

38

R. Melibayeva. Psixologik bilimlarni o'zlashtirishga yangicha yo'ndashish.....

46

*Boshqaruv psixologiyasi*

E. Yoziyev. Rahbarlik faoliyatida muloqotmandlik qobiliyatining o'rni va ahamiyati.....

50

B. Mandel. Urgent tobetlik: o'zining vaqtini qamrab olgan kishigina haqiqiy buyuktur.....

55

H. Hamroyev. Inson va uning "to'rt" qirrasi to'g'risida fikrlar.....

62

*Ilmiy mushohada*

K. Kamolova. Jamiyatda to'g'ri so'z odamlarni tarbiyalash va ma'naviyatini yuksaltishda dinnin tarixiy tajribalaridan foydalanish muammolari.....

67

A. Muxamedjanov, F. Raximov, M. Yuldashev, B. Raximov. Xoja Ahmad Yassaviy ta'lomitiga tortishish qonuni prizmasi orqali qarash.....

70

G. Ofarinova. Bosh niya jarohatini o'tkazgan shaxslarning ijtimoiy adaptatsiyasi xususiyatlari.....

74

E. Nurimbetova. IIB xodimlari kasbiy faoliyatining motivatsion yo'nalishi jihatlari

78

*O'zbekistonda psixologiya fanining rivojlanish tarixi*

G. Baykunusova, B. Ananyev. O'zbekiston va O'zbekistonda psixologiya fani taraqqiyoti haqida (M.G. Davletshin xotiralari asosida).....

82

*Tahririyat mehmoni. A. Muxamedjanov (Qozog'iston)*.....

85

*Lug'at-manba*.....

88

*Taniqui psixolog olimlar hayotidan*

D. Kurnegi.....

91

A. Asmolov.....

92

T. Bazarov.....

93

*XPFA hayotidan*.....

95

*Qutlov*

G.B. Shoumarov – Xalqaro psixologiya fanlari akademiyasining haqiqiy a'zosi....


100

*Mundarija*.....

102

Mualliflarimiz.....

104



Jurnal sahifalarini bezashda Internet materiallaridan foydalananildi.

Dizayner – M. Bafayev.



## ИНСОН ВА УНИНГ ТҮРТ “ҚИРРАСИ” ТҮГРИСИДА ФИКРЛАР

Ҳамроев Ҳ.Р.

Бухоро давлат университети иқтисодий таълим ва туризм кафедраси  
доценти, иқтисод фанлари номзоди

*Актуальность. В статье исследованы некоторые принципы разделения людей по способности, таланту, по поставленным перед собой целям в жизни, изучена личность как представитель одновременно четырех разных систем.*

*Методика. Эмпирические исследования проведенные автором показывают, что человек генетически наделён, а также приобретает в жизненной деятельности какие-то качества. В работе изучены эти качества с уклоном научной абстракции.*

*Результаты. На основе приобретённых данных глубоко исследованы качества (способность) членов общества. Делается вывод, что судьбу нации определяют те у которых эти качества лучшее.*

*Ключевые слова. качество, способность, талант, человек-создатель, человек-творец, человек-предприниматель.*

*Relevance. Some principles of division of a man according to his ability, skill and targets in his life and the specific features of a man being the representative of four systems simultaneously have been researched in this article.*

*Methodology. The empirical investigations made by the author shows that a man obtains somehow, features because of his genetic and life activity. These features have been studied by the way of scientific abstraction.*

*Results. According to the obtained data it has been made conclusion that a society should study features and abilities of its members thoroughly and then must rely on them the future of a nation.*

*Key words. feature, ability, talent, creator, constructive man, entrepreneurs.*

Инсон узоқ эволюцион ва тарихий тараққиёт меваси сифатида ўта мураккаб мавжудотдир. Биз унинг айrim кирраларинигина кўриб чиқмоқчимиз, жумладан, унинг айrim хислатларнга тўхталиб ўтмоқчимиз. Хислат – кишининг муҳим ижобий белгиси, сифати, хусусиятидир [4,327].

Ҳар бир инсонда тўрт тизим вакили хислатлари бор, деб караш мумкин:

1. У табиат фарзанди сифатида яшаш учун курашадиган одамдир. Унинг бу хислатлари миллион йиллар давомида такомиллашиб, ривожланиб келмоқда;

2. У қандайдир жамоа (ибтидой жамоа, қабила, катта оила) фарзанди сифатида айланалар, урф-одатлар (шу жумладан, жуда катта аҳамиятга эга бўлган дин ақидалари асосида) рамкасидаги шахсdir. Унинг бу хислатлари тахминан 100 минг йил давомида такомиллашиб, ривожланиб келмоқда.

3. У қандайдир тоталитар тизимнинг фуқароси, мураккаб давлат аппаратининг кичик бир винти каби ўз ўрнини йўқотмаслик илинжида бўлган киши сифатидаги шахсdir. Унинг бу хислатлари тахминан 6 минг йил давомида такомиллашиб, ривожланиб келмоқда.

4. У эркин инсон сифатида бозор конунларига бўйсунган ҳолда қадам ташлашга мажбур бўлган шахс сифатида фаолият юритадиган шахсdir. Унинг бу хислатлари ҳам минг йиллар давомида такомиллашиб, ривожланиб келмоқда.

Инсоннинг қайси хислати рўёбга чиқиши эса у тушиб қолган муҳитга боғлиқ бўлади. Инсон табиат билан яккама-якка қолганида унинг ўз-ўзини ҳимоя қилиш истиинки рўёбга чиқиб, у табиат фарзанди сифатида яшаш учун курашади. Инсон ўзининг қабиладошлари, урутдошлари, диндошлари ичida бўлганида, бу ришталарнинг кучи сезиларли бўлади ва инсон ўзини ўша жамоанинг аъзоси сифатида тутишига мажбур бўлиб

қолади. Жамоа унга ўйин қоидаларини белгилаб беради. Агар киши давлат аппаратининг муҳим винти бўлишига тўғри келиб қолса ёки давлат пресси тагига тушиб қолса, у тоталитар тизимининг бир кичик хужайраси сифатида, унинг ўйин қоидаларига бўйсуниб қадам ташлашга мажбур бўлади. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкини, инсоннинг ривожланишини хоҳласак, уни эркин инсон сифатида кўришни хоҳласак, уни ўраб турган мухитни ривожлантиришга асосий зътиборни каратиш керак. Инсоннинг табиат фарзанди, жамоа вакили, давлат фуқароси ва эркин инсон сифатида ижобий ва салбий кирраларини аниклаб, салбий томонини камайтиришга учун мухитни такомиллаштириш орқали эришиш мумкин. Совет тузуми тажрибасидан мисол келтириш мумкин: ўша даврда кичик миллатларнинг ўзига хослигини тезроқ йўқотиб, ҳаммани руслаштириш учун миллатларни асрлар давомида яшаган юртидан ажратиб, бошқа юртга кўчиришниар эди. Чунки миллат ўзининг қиндиқ қони тўқилган ери билан кучлилигини билар эдилар ва уни бу еридан ажратиб кучсизлантириб қўяр эдилар ёки ахолига квартира бериш сиёсатида ҳам қизик йўл тутилар эди: унинг ҳар бир подъездидан агар 8 хона бўлса 4 тасига интернационал оила ва 4 тасига миллий оила жойлаштирилар эди. Бундан кўзланган мақсад: бу микро мухитда миллий ўзига хослик ривожланмасин ва шу йўл билан миллий ўзига хосликнинг тагига болта урилар эди.

Қобилият – бирор ишга қобиллик, бирор ишни бажара, қила олиш хусусияти, лаёқатидир [4,590]. Қобилият – шахснинг муайян фаолият юзасидан лаёқати ва унинг ишини мувафақиятли бажаришдаги субъектив шарт-шаронтнин ифодаловчи индивидуал психик хусусиятлардир. Фан тарихида қобилият узок давргача «ўзгармас ирсият», наслдан-наслга ўтувчи алоҳида куч сифатида талқин этилган. Бундай қарашлар дастлаб инглиз файласуфи Ж. Локк ва француз материалистлари томонидан танқид қилинган. Фан ҳозир қобилиятни ривожлантириш мумкин, деб ҳисоблайди [2,722].

Қобилият шахснинг фаолиятини муваффақиятли амалга ошириш шарти хисобланади ва билим, кўнкима ҳамда малакаларни эгаллаш динамикасида юзага чиқадиган фарқларда намоён бўладиган хусусиятдир. Қобилиятлар тараққиётининг юксак босқичига истеъод деб аталади. Истеъод деб одамга қандайдир мураккаб меҳнат фаолиятини муваффақиятли мустақил ва оригинал тарзда бажариш имконини берадиган қобилиятлар ўюшмасига айтилади. Истеъод маҳоратнинг дастлабки шарти бўлиб, лекин маҳоратнинг ўзидан анча узокдир. Моҳир уста бўлмоқ учун жуда кўп ишлаш керак. Истеъод меҳнатдан озод килмайди, катта ижодий ва зўр меҳнатни тақозо қиласи. Истеъодли кишилар, шубҳасиз, меҳнат орқали оламга машҳур бўлган маҳорат даражасига эришганлар.

Ҳар бир инсон қандайдир қобилиятга, истеъоддага ва маҳоратга эга. Ҳар бир инсон нимагадир қобилиятли, нимагадир истеъодли ва нимагадир маҳоратлидир. Бу хислатларнинг даражаси турли кишиларда турличадир. Неъматларни яратади, ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан ҳам кишилар турличадир. Бу қобилият (истеъод, маҳорат)лардан қай бири устунлик қилишига қараб инсонларни шартли равишда тўрт тоифага бўлиш мумкин:

**1. Тайёрига айёр одам.** Унинг бу қобилияти одам сифатида табиат фарзанди бўлиб, миллион йиллар давомида яшаб келганлиги учун, табиат яратган ноз-неъматларни иложи борича осон ўзлаштиришга қаратилган. Унинг бу қобилияти одамлар пода, жамоа бўлиб яшай бошлагандан кейин жамоа яратган бойликни ўзиники қилишга, яъни бор нарсани қайта тақсимлашга қаратилади. Бу қобилият давлат келиб чиқиши билан янада ривожланади. Энди шу қобилияти кучли кишилар жамиятга хўжайнинг қилиб, бирорлар яратган бойликни қайта тақсимлайдиган кучли машинани барпо қилишади.

Урушларни келтириб чиқариб, қўшиларни талаш механизмини ҳам яратишади. Бу қобилият вакиллари доимо замондошларидан нисбатан тузук яшашган.

**2. Бунёдкор.** Инсоннинг бу қобилияти меҳнат келиб чиқиши билан боғлик бўлиб, у табиатдан ноз-неъматларни олишга қаноат ҳосил қўлмай, уларни ўзи яратишга ҳаракат қиласди. Дон етиширувчи дехқон, ной пиширувчи нонпаз, этик тикувчи хунарманд, асосан, шу қобилиятига таянади. Инсониятнинг иқтисодиёти бу қобилияти кучли бўлган кишиларга таянади. Улар жамиятнинг асосий оғирлигини кўтаради, десак хато бўлмайди.

**3. Ижодкор.** Инсоннинг бу қобилияти табиат гўзаллигини кўриб, тушуниб, шу каби гўзалликни ўзи яратишга эҳтиёжнинг келиб чиқиши билан пайдо бўлган ва асрлар давомида ривожланиб борган. Қояларда биринчи бўлиб ҳайвонларнинг расмини чизганилардан тортиб Леонардо да Винчи каби гўзалликни яратиб билган одамларда бундай қобилият кўпроқ бўлади. Бу қобилият вакиллари доимо замондошларидан нисбатан ёмон яшашган, кўплаб кийинчилик ва етишмовчилик курбони бўлишган. Ўз қобилиятиларини реализация кила олмасдан, уларнинг анчаси шахс сифатида синиб кетишган.

**4. Тадбиркор.** Бу жуда мураккаб қобилият бўлиб, улар олдинги уч қобилиятини керак пайтда, керак пропорцияда қўша олиш, бошқаларнинг шу қобилиятиларини синтез қила олиш, эксплуатация қила олиш қобилиятига эга бўлишdir. Ижодкорга бунёдкорлик етмаса, уни тўлдириб билган, бунёдкорга тайёрига айёрлик етмаса уни тўлдирган. Ижодкорга бунёдкорни қўша олиш қобилиятига эга бўлган. Бунёдкорнинг маҳсули ижод маҳсулига, ижодкорнинг маҳсули тайёр товарга айланган. Бундай қобилиятили кишилар кўпайса, бутун жамият бойиш имконига эга бўлган [1, 625-626].

Жаҳонгир кишилардан иккитасини солишиб кўрмоқчимиз: буларнинг бири Чингизхон ва иккинчиси Амир Темур. Чингизхонда биринчи қобилият кучлилик қилган десак хато қilmаймиз, чунки мугуллар босиб олган ҳалқларидағи бор бойликни талон-тарож қилиш билан чегараланишган. Улардан кейин, масалан, Ўрта Осиёда тараккىёт икки асрда орқага қолиб кетган. Бу жараёнда биринчи шахс – Чингизхоннинг роли бекиёс бўлган. Иккинчиси Амир Темур, унда тўртинчи қобилият кучли бўлган. Чунки Амир Темурдан кейин бу ўртда Улугбек ва Алишер Навоий каби даҳолар туғилишига шарт-шароит яратилган. Амир Темур нафакат моддий бойликни Самарқандга йиқкан (саройлару – мачитлар курдирган), балки иқтисодиётнинг кўтарилишга туртки берган, санъат, фан пешволарини ҳам йигиб, уларнинг ижод қилишига моддий ва маънавий шароит яратиб берган.

Алишер Навоий шахсига келсак, унинг бошқа шоирлардан катта фарки шундаки, унда тадбиркорлик қобилияти ҳам кучли бўлиб, ариқлар, мактаблар қуришга ҳам раҳнамо бўла олган. Лидер (корхона раҳбарими, регион раҳбарими, давлат раҳбарими) кишида тўртинчи қобилият кучли ривожланган бўлиши керак, акс ҳолда унинг жамиятга нафи камроқ тегади. Мен бу ўринда бир собиқ Бухоро шахри ҳокимини мисол келтирмоқчиман. У киши мен дарс берадиган институтда ўқиган, икки қизини олти йилдан ўқитганман. Жуда яхши инсонлардан бири. Аммо, бу киши узоқ вакт қурилиш трестида раҳбар бўлиб, ўзида бунёдкорлик қобилиятини жуда яхши ривожлантира олгану, тадбиркорлик қобилияти масаласида оқсан эди. Натижада у раҳбарлик қилган даврда Бухоро шахрида фақат қурилиш масаласида (стадион, магазинлар, бозорлар, маъмурӣ бинолар қуриш борасида) сезиларли иш қилинди, холос. Давлат раҳварида “ижодкорлик” қобилияти кучли бўлса, у ўз қобилияти натижасини хаётга татбиқ қилишга ҳаракат қилса, одатда бу миллат учун катастрофага олиб келади. Масалан, Россияда Ленин ўзининг ҳамда устозлари Маркс ва Энгельснинг гояларини (хусусий мулкчиликсиз жа-

миятни яратишдек хом хаёлни) хаётга татбиқ этаман деб, мамлакат ахлиниң бошига күнлаб оғатларни келтирған [3, 797-799; 342-346].

Леонардо да Винчи “ижодкорлик” қобиляти ўта кучли бўлган шахслардандир. Унинг хаётини ўргансангиз, шуну кўриш мумкинки, Леонардо да Винчи нимага қўл урса, у буюк ижод мевасига айланган. Шаҳар ҳукумронлари учун ишлаб чиқилган ҳарбий техниками, савдогар бойлар учун ишланган ҳайкалими, диндорлар буюртма берган картинами ёки келажакка қараб фантазия қилган ижоди – учар аппаратларими, барчаси буюк ижод меваси эканлиги яққол кўринади.

Инсонларни хаётдаги мақсадлари, интилишларига қараб ҳам тўрт гурӯхга бўлиш мумкин:

**1. Эгопарвар одам** – (микродараражада фикр юритадиган кишилар шундай бўлади). Ўз шахсини жуда ҳам юкори қўядиган, хаётдан мақсади ҳам шу шахс манфаатлари учун елиб-югурадиган одам, яъни ўта эгоист одам. Ўз манфаати учун ҳар нарсанни, ҳатто ватанини, миллатини, шаҳрини ҳам сотадиган, отасига, фарзандига зарар бўлса ҳам ўзи учун наф кўриш ғамида бўлган одам. Афсуски хаётда бундай одамлар кўп.

**2. Оиласарвар одам** – (мезодаражада фикр юритадиган кишилар шундай бўлади). Нафакат ўзи учун, балки оиласи учун ҳам елиб югурадиган, ўзига зарар бўлса ҳам фарзандини, ота-онаси ва бошқа яқинларининг манфаатини ўйлай ва уларга хизмат қила оладиган инсон. Бундай кишилар ўз оиласи манфаати учун бошқа оиласарнинг зарар кўришига йўл кўйиб бера олади. Масалан, ҳалқ учун заарли бўлган бир маҳсулотни ишлаб чиқариб бозорга, бошқа оила аъзоларга сотиб, ўз бола-чақасининг фаровонлиги учун ишлатади. “Оила” институти бу ерда кўп камровли, кўп кирралидир. Бирор учун оила – бу “кичик оила”дир, яъни ўзи, хотини ва болалари. Бирор учун эса “кэтта оила”дир, яъни нафакат ўзининг кичик оиласа, балки ота-онасининг оиласи, акаукаларининг оиласи. Бирор учун оила бу унинг корхонасидаги жамоаси, бирор учун эса туғилиб ўсган қишлоғи ахли, яна бирор учун эса туғилиб ўсган шаҳридир.

**3. Ҳалқарвар (мамлакатарвар)** – одам (макродараражада фикр юритадиган кишилар шундай бўлади). Ўз ҳалқи, миллати, мамлакати тўғрисида қайғурадиган, ҳар бир нарсага шу нуқтаи назардан қарайдиган ва ўз фаолиятида шу нуқтаи назардан ёндаша оладиган кишилар. Миллат учун критик пайтда ўзини курбон қила оладиган, ўзига зарар бўлса ҳам мамлакатига фойда бўлса, ўша қадамни кўя оладиган шахслардир. Миллатда бундай кишилар керагидан, критик ҳолатдан кам бўлса, бу ҳолат миллатни деградация бўлишига, ўлим ёқасига келиб колишига сабаб бўлиши мумкин. Бундай одамларни танлай олади. Агар давлат раҳбарияти элитасида бундай кишилар кўп бўлса миллатнинг баҳти, кам бўлиши эса миллатни бошига кўплаб кулфатларни келтириши мумкин.

**4. Инсонияттарвар одам** – (супермакродараражада фикр юритадиган кишилар шундай бўлади). Ҳар бир нарсага ҳазрати инсон нуқтаи назаридан ёндаша оладиган, инсон зотига хизмат қила оладиган шахслардир. Улар зарур бўлса, инсониятнинг умумий манфаати деб ўз миллати, давлати манфаатига зид қадамни ҳам ташлай оладиган шахслар. Ўтга кўйдирсалар ҳам “ер барibir думалок” деб биладиган, миллатига зарар бўлса ҳам инсоният манфаатларини ўйлаб, антифашистик фаолиятни олиб бориб билган немис ўғлонлари кабилардир. Бу тоифадаги одамлар жуда ҳам кам бўлади. Аммо улар охир-окибат нафакат инсониятнинг, балки ўша миллатнинг, шаҳарнинг, оиласининг фаҳри бўлади. Даҳо, буюк олимлар биринчи навбатда шундай кишилар бўлишганки, биз уларни тан оламиш ва уларнинг буюклигига таъзим киламиш. Муҳаммад алайхисса-лом, Ж. Бруно, Абу Али ибн Синолар шу каби инсонларнинг сарасидир.

Ирсий имкониятлар ҳамда ҳаёти давомида олган илми ва тажрибаси асосида инсон юқоридаги тоифалардан биридаги одам сифатида шаклланади. Шаклланган кишини эса ўзгартириш анча қийиндири. Мамлакат тақдирини, миллионлаб одамлар тақдирини ҳал қилишда мухим роль ўйнайдиган мансабларга кишиларни сайлаша инсоннинг кайси тоифага киришини аниклаш ўта мухим роль ўйнайди. Биринчи ва иккинчи тоифа одамларини юқори лавозимга сайласак, улар миллатни хароб қилиши мүмкин. Факат учинчи ва тўртинчи тоифа одамларини сайлаш мақсадга мувофиқдир.

#### Адабиётлар

1. Большая экономическая энциклопедия. – М.: Эксмо, 2007. – 816с.
2. Советский энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1985.
3. Философский энциклопедический словарь. – Москва, 1983.
4. Ўзбек тилининг изоҳли лугати, 2-том. Москва: Русский язык, 1981.

